



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ  
66<sup>1</sup>-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ  
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 11 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, №9, 241-модда; 1998 йил, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №9-10, 165-модда; 2002 йил, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, №6, 261-модда, №12, 656-модда; 2007 йил, №4, 158, 166-моддалар, №6, 248-модда, №9, 416, 422-моддалар, №12, 607-модда; 2008 йил, №4, 187, 188, 189-моддалар, №7, 352-модда, №9, 485, 487, 488-моддалар, №12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, №1, 1-модда) **66<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекс 105-моддасининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-моддасида (кучли рухий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-моддасида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-моддасида (ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-моддасида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-моддасининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-моддасида (эҳтиётсизлик оқибатида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таносил ёки ОИТС касаллигини тарқатиш), 115-моддасида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-моддасининг биринчи қисмида (хавф остида қолдириш), 121-моддасининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-моддасида (войга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-моддасида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-моддасининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш), 136-моддасида

(аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўқинлик қилиш), 138-моддасининг биринчи қисмида (зўрлик ишлатиб файриқонуний равишда озодликдан махрум қилиш), 139-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тухмат), 140-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 143-моддасида (хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш), 148-моддасида (меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш), 149-моддасида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-моддасининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 168-моддасининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-моддасининг биринчи қисмида (ўғрилик), 170-моддасининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг «б» ва «в» бандларида (алдаш ёки ишонччи суиистеъмол қилиш йўли билан мулкчи зарар етказиш), 172-моддасида (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-моддасининг биринчи қисмида (мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 185<sup>2</sup>-моддасида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 192-моддасида (рақобатчини обрўсизлантириш), 229-моддасида (Ўзбошимчалик), 256-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш), 257-моддасининг биринчи қисмида (меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш), 258-моддасининг биринчи қисмида (тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 259-моддасининг биринчи қисмида (ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 260-моддасининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-моддасининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-моддасининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашини таъминлашга доир қоидаларни бузиш), 277-моддасининг биринчи қисмида (безорилик), 298-моддасининг биринчи қисмида (машиналарни бошқариш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроқ бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирида.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 3 апрель  
№ ЎРҚ — 201

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг

ҚАРОРИ

**«ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!» RESPUBLIKA  
КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Барчамиз учун бир умр севиб, ардоқлаб, кўзимизга тўтиё қилиб яшайдиган муқаддас макон бўлмиш она Ўзбекистонимизни улуғлаш, уни кўз қорачигидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш каби эзгу туйғуларни униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш, Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук ўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни халқимизнинг маънавий мулкига айланттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2009 йилдан бошлаб ҳар йили «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий кўмитаси таркиби ва кўрик-танлов низоми 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови ташкилий кўмитасининг вазифаси этиб куйидагилар белгилансин:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўрик-танловнинг туман, шаҳар ва вилоят босқичларини ўтказиш бўйича барча ташкилий ва ижодий ишларни мувофиқлаштириш;

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш учун амалий ёрдам кўрсатиш;

жумладан, жойларга тажрибали режиссёрлар, таниқли санъаткорлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахассисларни ижодий сафарга юбориш;

санъат оламига кириб келаётган истеъдодли ёшлар томонидан ижро этилган, ор-номус, кадр-қиммат, гурур ва ифтихор каби олижаноб туйғуларни тараннум этадиган, юксак граждандлик руҳидаги кўшиқларга алоҳида эътибор қаратиш.

4. Жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини тайёрлаш ва юқори савияда ўтказишни таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида комиссиялар тузиш вазифаси топширилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: кўрик-танловнинг республика якуний босқичига тайёргарлик кўриш, тарғибот қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Маданият ва спорт ишлари вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

кўрик-танлов голибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 7 апрель**ЮРТ ПОСБОНИ**

Инсон қаерда бўлмасин тугилиб ўсган гўшасини кўмсайди, соғинади, унга талпинади. Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғи, жаннат макон боғлари, бепоён қиру адирлари худди меҳригё каби бизни ўз бағрига чорлайверади. Она юрт тафти, мафтункор гўзаллиги, сеҳрли ва серҳосил тупроғи, саховатли, танти халқи ҳеч бир юртникига ўхшамайди. Ҳа, Ватан ана шундай гурур ва ифтихор билан фахрланишга арзийдиган ошён. Она юртни севиш, унга ҳалол хизмат қилиш нақадар бахт.

— Мен ҳар кун юрт меҳрини кўнглимга жойлаб, хизматга отланаман, — дейди Хоразм вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони гуруҳ командирини, «Жасорат» медали соҳибини, катта сержант Гулимбой Дусимов. — Шаҳар кўрки, тинч-осуда ҳаёт, юртдошларимизнинг хайрли ташвишлар билан слиб-югуринларини кўриб кўнглим хотиржам

тортади. Афсуски, баъзи кимсалар мана шундай осуда ҳаётимизга раҳна солмоқчи бўлишади. Мен юрт посбони эканман, уларнинг бундай хатти-ҳаракатларига бефарқ қараб туролмайман.

Худойберган ЖАББОРОВ,  
«Постада» мухбири.





## УМРИНГИЗГА БАРАКА

## ОЛИЖАНОБ ИНСОН



Инсон фақат яхши фазилатлари билангина бошқалар қалбидан жой олади деймиш. Бу нурмаъно сўзлар тўғри айтилганга ҳаётда кўп марта дуч келамиз. Дарҳақиқат, бирор киши ҳақида даравада илқ сўзлар айтилса қандай яхши. Яқинда ИИБ

Фахрийлар кенгашида истеъфодаги полковник Баҳром ака Мирзоҳидовнинг ички ишлар идораларидаги хизмат йилларини эсладик.

Мен у кишини устоз сифатида ҳурмат қиламан. Дастлаб ишга келганимда Баҳром ака республика ИИБ Кадрлар бошқармасида қатта инспектор лавозимда хизмат қиларди. У кишининг менга айтган биринчи гапи ҳамон эсимда:

— Ҳар бир инсон ишга, хизматга кириш учун аввал кадрлар бўлимига му-

рожаат этади. Биз уни самимий, очиқкўнгиллик билан кутиб олсак, хизматга бўлган иштиёқи янада ошади. Терс, қўпол муомалани кўрсатиш? Қарг келиб қолдим, деб қайтиб кетиши мумкин, — деганди.

Унинг ўзи ҳаммага бирдай самимий, хушмуомала инсон. Муурожаат қилиб ҳузурга кирган кишининг муносабатини кўриб, иши битмаса ҳам кўнгли кўтарилиб чиқиб кетарди. Яна бир ўрнак оладиган хислати — тартиблилиги, ҳужжатларини

рисоладагидек бўлишини талаб қиларди.

Баҳром аканинг йиғитлик даври Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларига тўғри келган. 1942 йилда кўплар қатори фронтга отланиб, ИИБ Ички кўшинлари сафида жанг қилади. 1949 йили хизматдан қайтгач, ички ишлар тизимига ишга кирди.

Касбни севиб, вазифага бўлган масъуллёт, ишончни оқлаш учун ишлага, ҳаракат қилишини Баҳром акадан ўрганганимиз. Устознинг бутун хиз-

мат фаолияти кадрлар билан ишлаш тизими билан боғлиқ. Бу хизматнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор, бироқ унинг бирон марта ишдан нолиганини эшитган эмасман.

Инсон ўтган умридан рози бўлса, ўзини бахтиёр ҳис қилади. Баҳром ака Мирзоҳидовнинг ҳаёт йўли бир тарих. Уни босиб ўтиш учун у кишидан

матонат, сабр-бардош керак бўлган, албатта. Қўшларнинг устози, олижаноб инсон мустақилликнинг дориламон кунларида яшаш насиб этганидан шуқрона айтиб, фарзандлари, неваралари ардонда умргузаронлик қилмоқда.

**Фуломжон ЙҮЛДОШЕВ,**  
истеъфодаги  
полковник.

**Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Баҳром ота МИРЗОҲИДОВни табаррук 85 ёшга тўлгани билан самимий муборақбод этадилар. Устозга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик, яна кўп йиллар фарзандлари, ногирдилари ва сафдонлари даврасини тўлдириб юришини тилайдилар.**

## СЕМИНАР-КЕНГАШ

## ЎЗАРО ФИКР АЛМАШИШДА

Республика ЁХББда жойлардаги ҳудудий ёнғин хавфсизлиги бошқармаларининг меъёрий-техник экспертиза ва ёнғин автоматикаси йўналишларида фаолият юритаётган ходимлар иштирокида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси қошидаги идорадан ташқари давлат экспертизаси Бош бошқармаси, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва республика миқёсидаги бир қатор лойиҳалаш ташкилотларидан малакали мутахассислар ўзаро фикр алмашишди.

Семинар-кенгашда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси бош мутахассиси Дўстиёр Абдурахмонов, Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бош мутахассиси Темучин Амирсайдов қурилишларда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари бажарилишини назорат қилиш ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларининг бузилиш ҳолатлари

аниқланганда қонун доирасида чора кўриш тўғрисида гапиришди.

Шунингдек, «Ўзоғирсанотлойтих» ОАЖ лойиҳалаш институти Бош архитектори С. Саидазимов, «ЎзшаҳарсозликЛИТТИ» ОАЖ лойиҳалаш ташкилоти лойиҳа бош архитектори Евгений Гогин ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Семинар-кенгаш дастуридан ўрин олган масалаларнинг долзарблиги шундаки, республика ҳудудида янги қурилишлар йил сайин кўпайиб, ўзига хос замонавий бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Бу эса ўз навбатида объектлардаги қурилиш ишлари даврида ёнғинга қарши чора-тадбирлар тўлиқ бажарилишини назорат қилиш ва қурилиш майдонларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида ёнғин хавфсизлиги хизмати, хусусан, меъёрий, техник экспертиза йўналишидаги ходимлар зиммасига масъулиятни вазибалар юклайди.

**И. АЗИМОВ,**  
ИИБ ЁХББ катта муҳандиси,  
майор.

## ТАЪСИРЧАН РУҲДА

Саломатлик бебаҳо бойликдир. Шундай экан юртимизда инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида изчил фаолият юритилмоқда. Навоий вилоятида бўлиб ўтган семинар дунё миқёсида глобал муаммага айланган ОИВ/ОИТС балосидан инсониятни асраш, эпидемияга қарши курашда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларга бағишланди.

— Ўқув машғулоти давомида видеолар ва намоиш этилиб, ОИТС ва гиёҳвандлик балосининг аянчи оқибатлари

кўрсатилди, — дейди вилоят ИИБ тиббиёт бўлими катта эпидемиолог-шифокори Ҳ. Алиқулов. — Мақсад бу хавфли касалликнинг жамиятга етказиладиган зарарини аниқ равшан тушунтириб, бу борада олиб борилаётган профилактик ишлар таъсирчанлигини оширишдан иборатдир.

Шунингдек, машғулотлар жараёнида мавзуга оид тест саволлари асосида иштирокчиларнинг билим ва кўникмалари синовдан ўтказилди.

**Нигора РАҲИМОВА,**  
Навоий вилояти.

## ТАДБИР

## ҲАР ТОМОНЛАМА ЭЪТИБОР

Қашқадарё вилояти ИИБда соҳавий хизматлар ва шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари ҳамда фахрийлар кенгашининг раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник В. Ходжаев олиб борди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг маънавийтини юксалтириш, дунёқарагини бой-

тишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада ёш ходимларга фахрийлар бириктирилиб, жойларда мураббийлик фаолияти йўлга қўйилгани, бу ўз навбатида яхши самара бераётгани таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, фахрийлар ёш ходимлар онгидан бурчга садоқат, она-Ватанга муҳаббат, ҳалоллик ва адолатпарварлик туйғуларини шакллантиришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашаётгани қайд этиб ўтилди.

**Умид ЖАББОРОВ,**

Қашқадарё вилояти.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ

Профилактика инспектори, лейтенант Бобожон Турсуновни Ёсвуг тумани ИИБда сергайрат, касб филойис сифатида тингла олишди. У ИИБ Академиясини тамомлаб хизматга келганида тумандаги «Тараққиёт» деҳқон-фермер хўжалиқлари уюмиси ҳудудида профилактика инспектори этиб тайинланди. Ёш йиғитга бу масъулиятни вазифа топширилганига айрим-

лар ажабланди. Аммо у тезла хизматнинг машаққатларига кўникиб, фуқароларнинг ишончини оқлай олгани боис, ИИБ раҳбариятининг эътиборини қозondi. Лейтенант Б. Турсунов ҳар бир ишга бажаринида маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, улар ёрдамига таянади.

**Н. ЙҮЛДОШЕВ,**

Сурдарё вилояти.



Суратда: профилактика инспектори, лейтенант Б. Турсунов «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ж. Носиров билан навбатдаги вазифалар ҳусусида суҳбатлашмоқда.

## НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛИГИ

Айни кунларда республика ИИБ Академияси битирувчи курс тингловчилари олган назарий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида жойларда амалиёт ўташмоқда.

**ҚАРШИ.** Қашқадарё вилояти ИИБга келган тингловчилар тизимда узоқ йиллар хизмат қилган тажрибали ходимлар мураббийлиги остида белгиланган дастурлар асосида машғулотлар ўташаётган. Шу билан бир қаторда, амалиётда асқотадиган меъёрий ҳужжатларни ҳам ўқиш, ўрганмоқдалар. Таъкидлаш жоизки, иш ўрганиш жараёнида тингловчиларга нафақат назарий-амалий, шунингдек, маиший муаммоларини ҳал этишда ҳам беғараз ёрдам кўрсатилмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**

**УРҒАНЧ.** Хоразм вилояти ҳокимлиги Маънавият ва маърифат марказида республика ИИБ Академияси вакиллари, Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти, амалиётга келган тингловчилар, уларга бириктирилган мураббийлар ва ота-оналар иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ бошқармаларининг амалиётни ташкил этиш бўйича буйруғи ўқиб эшиттирилгач, тингловчилар ва уларнинг мураббийларига қўйниладиган талаблар тунунтирилди.

**Бекмурод УСМОНОВ,**

**ТЕРМИЗ.** Амалиётни ўтаётган тингловчилар тергов, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистика, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўналишлари бўйича кўникма ҳосил қилмоқда. Шу билан бир қаторда, жиноятчиликнинг олдини олиш, солир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларни фоида этиш учун ўтказилаётган тезкор тадбирларда иштирок этишмоқдалар. Тингловчиларнинг амалий машғулотларини яхши ўзлаштириш учун ҳар бир соҳадан тажрибали ходимлар бириктириб қўйилган.

**Эркин ТУЛЯЕВ,**

**АНДИЖОН.** Вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан Академия тингловчиларининг мутахассислик бўйича тегишли бўлимларда иш ўрганишлари учун дастурда белгиланган барча тадбирларнинг тўғри ва аниқ бажарилиши таъминланмоқда. Шунингдек, тингловчиларга мавжуд материаллар, техник ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятлари берилиб, курс ва малакавий битирув ишлари учун керакли маълумотлар тўплашга ёрдам кўрсатилмоқда.

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
майор.

**БУХОРО.** Тингловчиларининг иш ўрганишлари, малака оширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди. Улар ўз йўналишлари доирасида малакали ходимлар билан биргаликда самарали фаолият кўрсатишмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, солир этилган жиноятларни очишда иштирок этиш янги. Амалиёт ўтаётган Исмат Собиров, Азамат Қаймов, Зокир Маърупов қабилар ишончини оқлаш, тажрибали ходимлардан хизмат сирларини ўрганиш учун астойдил ҳаракат қилиш янги.

**Аскар ФИЁСОВ,**  
подполковник.

## РЕСПУБЛИКАМИЗДА «ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

# ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ — ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ

Вилоят ҳудудида талбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 23 та маҳсус гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари «Автомобилҳаваскорлар» кўнгилли жамияти, халқ таълими бошқармаси, ҳокимликлар билан биргаликда кенг қўламли тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Улар ишпироккида автокорхона ва маҳаллаларда учрашувлар ташкил этилиб, ҳайдовчилар, пиёдалар ҳамда йўл ҳаракатининг бошқа ишпирокчилари ўртасида йўл интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш юзасидан суҳбатлар уюштирилмоқда.

Мақтаб ўқувчиларининг «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича олган били-

мини янада мустақамлаш ва ҳаракат хавфсизлиги кўникмаларини ҳосил қилиш мақсадида Олмалик шаҳри, Оққўрғон ва Бўка туманларида барпо этилган болалар автомайдончаларида турли қизиқарли мусобақалар ташкил этилди. Эътиборли жиҳати шундаки, талбир давомида йўл ҳаракати қатнашчилари, айниқса, пиёдалар устидан назорат янада кучайтирилди. Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан шу кунга қадар жами 1912 нафар пиёда қоидабузарликка йўл қўйгани аниқланди. Йўл ҳаракати ишпирокчилари хавфсизлигини таъминлаш учун 472 км. дан зиёд йўл кўриклдан ўтказилиб, 119,7 км. ҳажмдаги пиёдалар йўлкаси таъмирланди. Бу борада аниқланган кам-

чиликлар юзасидан мутаассадди идора ва ташкилотларга тақдимномалар киритилди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланган кундан бери аҳоли гавжум жойлар, пуқубекатлар, бозорлар ҳудудида ЙХХБ ходимлари, автокорхоналарнинг хавфсизлик муҳандислари ва ҳайдовчилар тайёрловчи ўқув муассасалари тингловчилари ҳамкорлигида ЙТХларнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Асосий вазифа ҳар бир ҳаракат ишпирокчисига йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш мавсумий эмаслиги, ҳаракат хавфсизлиги — ҳаёт хавфсизлиги эканлигини ўқитиришдан иборатдир.

Хуршид РЎЗИЕВ.

Тошкент вилояти.

Ҳаракат хавфсизлигининг ўз қоидалари, қатъий талаблари мавжуд. Уларга амал қилмаслик ёки эътибордан четда қолдириш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олишда аввало, ҳайдовчининг маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, машинанинг техник соғлиги ҳам асосий талаблардан биридир. Олиб борилаётган рейдлар, мунтазам ўтказилаётган текширувлар пайтида масаланинг ана шу томонига эътибор қаратилапти. Қоидани бузган шахсларга нисбатан қатъий чоралар кўрилмоқда. Масалан, ойликнинг ўтган 20 кун давомида айбдорларга нисбатан 126.019.542 сўм жарима солинди. Шаҳар ва туманларда 200 тага яқин машина носоз эканлиги аниқланиб, уларнинг ҳаракати мазкур нуқсонлар бартараф этилгунча тўхта-тилди.

Йўл-транспорт ҳодиса-

ларининг олдини олиш йўл ҳолатига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Масаланинг бу томони ҳам диққат марказида. Ўтган вақт мобайнида 5646 километр йўл кўриклдан ўтказилди, 119 километр пиёдалар йўлаклари таъмирланди.

да эътибор беришяпти.

Профилактик ишлар натижасида йўл-транспорт ҳодисалари бир мунча камайишига эришилди. Аммо саъй-ҳаракатларга қарамай ҳамон қайд этилаётгани ачинарлидир. Масалан, шу йил 2 апрель куни Когон шаҳри Нуробод кўчасида автоҳалокат содир бўлди. Ф. Жума «Тико» русумли автомобилни бошқариб бораётганда унинг баллони ёрилиб кетиб, автомобиль бошқаруви издан чиқади ва транспорт йўлнинг чап томонидан келаётган фуқарони уриб юборади.

Таъкидлаш жоизки, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш биргина ички ишлар идоралари ходимларининг вазифаси эмас. Бу хайрли ишга ҳар бир ташкилот, муассаса, маҳалла, жамоатчилик, фуқароларимиз ўз ҳиссасини қўшагини кўзланган мақсадга эришишимиз мумкин.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА.

Бухоро вилояти.

## ҲАР БИРИМИЗ ҲИССА ҚЎШАЙЛИК

— Бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй берса, биз асосан ҳайдовчини айбдор қиламиз, — деди вилоят ИИБ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари, майор Жалил Раззоқов. — Бироқ у айнан пиёданнинг эҳтиётсизлиги, ҳаракатланиш қоидасига амал қилмагани туфайли содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ходимларимиз меҳнат жамоалари, маҳаллалар, ўқув масканлари ва бошқа жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқотлар пайтида шу жиҳатга алоҳи-

## ҲУШЁРЛИК ЗАРУР

Бугунги кунда йўлдан фойдаланмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Демак, ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш хоҳ ҳайдовчи, хоҳ пиёданнинг бирдек вазифаси эканлиги «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» жараёнида алоҳида ўқитилмоқда. Ички ишлар идораларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги ва бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, ташкилотлар, ҳокимликлар, маҳалла ва халқ таълими вакилларидан иборат гуруҳлар жойларда учрашувлар ташкил этиляпти. Уларда озгина эътиборсизлик ёки ҳаракат пайтида ҳушёрликни йўқотиб қапдай кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкинлиги мисоллар асосида тушунтириб берилмоқда.

Хусусан, ойлик бошлангандан бери пиёдалар томонидан 1118 та, болалар билан боғлиқ 133 та қоидабузарлик аниқланди. Бундай ҳолатлар такрорланмаслиги учун катталар яшаш ва иш жойлари, болалар эса ўқув муассасаларида муҳокама қилинапти.

Талбир давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳокимликлар ва тегишли ташкилотларга 35 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, болалар автошаҳарчаси барпо қилиш ва автомайдон ташкил этиш юзасидан 40 та таклиф билдирилди. Ҳозиргача 579 километр йўллар кўриклдан ўтказилди. 21 километрли пиёдалар йўлаклариди таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қўшимча 201 та йўл белгилари ўрнатилиб, 110 километр йўлга янги чизиқлар тортилди. Тузилган гуруҳлар томонидан вилоят ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини ўрганиш мақсадида 758 та рейд ўтказилди. Тезликни меъёрдан ошириш ёки йўл белгила-

рига риоя қилмаслик энг кўн содир этилаётган қоидабузарликлардан ҳисобланади. Фалокат оёқ остида эканини унутган ана шундай ҳайдовчи панд еб қолиши тайин. Жумладан, 23 март куни Ҳаққуллобод шаҳрида яшовчи У. Қосимов отасига тегишли «Нексия»ни ишонч қоғози орқали бошқариб кетаётган «Хонобод — Чўжа» йўлининг 15 километрида ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмади ва йўловчи А. Азимовни уриб юборди. Натижада жабранувчидан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди.

Автомобиль бошқараётган ҳайдовчи ёки йўлда кетаётган ҳеч бир пиёда фалокатга йўлиқибни хоҳламайди. Бироқ озгина бешарволик ёки амалдаги тартиб-қоидаларни менсимаслик ноҳуш ҳолатларга сабаб бўлаётган. Шунинг учун доимо ҳушёр бўлиб, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик!

Дониёр ТўЛАНОВ,  
Наманган вилояти ИИБ  
ЙХХБ инспектори,  
капитан.

«Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги» муносабати билан Тошкент автомобиль — йўллар институтида «Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш — умумхалқ иши» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ раҳбарияти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирни олийгоҳ ректори М. Икрамов кириш сўзи билан очди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник С. Тасходжаев республикада ўтказилаётган ойликнинг моҳияти, ушбу тадбир бўйича пойтахтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди. Улар келтирган маълумотлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Институт кафедра мудири, профессор Қ. Азизов ўз чиқишида йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш учун ҳаракат қатнашчилари, айниқса, пиёдаларнинг масъулияти ҳақида тўхталди.

Тадбирда талабалар томонидан «Йўл ҳаракати қоидалари»га оид қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Абу КЕНЖАЕВ.  
Муаллиф олган сурат.

## СУРАТЛИ АХБОРОТ



## ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛДИ

**Жиззах вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, мактаб ва болалар боғчаларида зарур тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.**

Айниқса, ёшлар ўртасида ҳаракат хавфсизлиги юзасидан бўлиб ўтаётган учрашувларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки пиёдалар ишпироккида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда ёшларнинг ҳаракат қоидаларини яхши билишлари, кўча ва йўлларда қоидаларга қатъий риоя қилишлари муҳим омил ҳисобланади. Вилоятдаги ўқув юрғларида 400 мартадан кўп суҳбат ва учрашувлар

уюштирилди. Талбир давомида пиёдалар томонидан содир этилган мингга яқин қоидабузарликлар аниқланди.

Шу билан бирга, вилоятда аҳолига транспорт хизмати кўрсатувчи уюшмаларда ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳайдовчиларнинг маънавияти ўрганиб чиқилмоқда, транспорт воситаларининг техник соғлиги кунлик текширувлардан ўтказилмоқда. Йўловчи

ташиш транспорт воситалари жамоаларида ва автошоҳбекатларда мингдан ортиқ суҳбатлар ўтказилди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, вилоят ҳудудида йўл-транспорт ҳодисалари таҳлилдан келиб чиқиб, жорий йилнинг 10 мартидан 20 мартга қадар кенг қамровли «Автобус» ва «Диққат, темир йўл!» профилактик тадбирлари ўтказилган эди. Вилоятдаги 400 чақиримдан ортиқ йўллар мавсумий кўриклдан ўтказилди, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан далолатномалар тузилиб, вилоят, туман ҳокимликларига тақдимномалар юборилди.

Темир йўл кесимларида зарур таъмирлаш ишлари олиб борилди, йўлларга юздан ортиқ белгилар ўрнатилди.

Вилоят ҳудудида тезкор вазиятни барқарорлаштириш, турли жиноятлар содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш, республикада ҳудудига портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори ҳамда гиёҳванд моддаларнинг кириб келишини олдини олиш мақсадида чегара ҳудудидаги ИПХ ва блок-постларда кучайтирилган хизмат ташкиллангирилган.

А. ХУДОЙНАЗАРОВ,  
вилоят ИИБ ЙХХБ  
бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.





# РОСТДА-TV

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

13-19-aprel

«YOSHLAR» ШАНБА, 23.00

Жаҳон кинеси: «Меҳмон».



«YOSHLAR» ЯКШАНБА, 20.40

Жаҳон кинеси: «Ы» операцияси».



## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

### КҮЙ



Ҳафта давомида тушунарсиз воқеаларга дуч келишингиз, ўзига хос инсонлар билан танишишингиз мумкин. Рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб кўринг. Дўстлар даврасида кўнгилли суҳбатлар қуриш, қўшимча даромад олиш имконияти туғилиши кутилмоқда.

### СИГИР



Дўстлар даврасида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шошмашошарликка йўл қўймай, ўйлаб иш тутишга одатланг. Ҳордиққа вақт ажратинг ва куч-қувватни тиклаб олинг. Ишқий муносабатларнинг мустаҳкамланишига имкон бўлади.

### ЭГИЗАКЛАР



Кўзланган мақсад сари дадил қадам ташланг. Бироқ ҳар бир хатти-ҳаракатни ўйлаб амалга ошириш лозим. Қатъиятсизлик, шошмашошарлик омадсизлик келтириши мумкин. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказишни маслаҳат берамиз.

### ҚИСҚИЧБАҚА



Дунёқараш ва мушоҳадада аввалги нуқтани назарингиз бугунги кунда нотўғридай туюлади. Шунинг учун янгиликни қабул қилишда атрофда бўлаётган воқеаларга кўпроқ эътибор бериш лозим бўлади. Ҳафта охирида дўстлар ва ҳамфирқлар сафи кенгаяди.

### АРСЛОН



Бу ҳафтада мураккаб ҳолатларга дуч келишингиз мумкин. Электр, механик ва иситиш мосламаларидан фойдаланганда эҳтиёткорликни унутманг. Турли саргузаштлар бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ўйлаб иш кўриш фойдадан холи эмаслигини эслатиб ўтамыз.

### БОШОК



Ўйламай қўйилган қадам ташвиш келтириши мумкин. Яқин кишингиз билан ўзаро муносабатларни яхшилаб, тулланиб қолган муаммоларни муҳокама қилиб олинг. Кескин қарор қабул қилишга шошилмаган маъқул. Саъй-ҳаракатларингиз кутилган натижа бериши ажаб эмас.

### ТАРОЗИ



Бу бурждагиларнинг иш жойларида жиддий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Ишингиздан кўнглингиз тўлмаётган бўлса, воз кечиш ҳақида ўйлаб кўринг. Агар аксинча бўлса, кескин қарор қабул қилмай турган маъқул. Имкони борича вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилинг.

### ЧАЁН



Ҳафта ишқий саргузаштларга бой бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ўзингизни қўлга олишга ҳаракат қилинг. Мавжуд муносабатларда мураккаблик туғилмаслиги учун ёрингизга садоқатли бўлишни маслаҳат берамиз. Кўзланган мақсадлар борасида турмуш ўртоғингиз билан маслаҳатлашиб олинг.

### ЁЙ



Қариндош-уруғлар билан зиддиятли вазиятлар юзага келишига йўл қўйманг. Ҳиссиётга берилмай, мавжуд муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишга эътибор қаратинг. Уйда электр жиҳозларини ишлатишда эҳтиёткор бўлинг. Ҳафта ижодий фаолият учун омадли бўлади.

### ТОҒ ЭЧКИСИ



Йўлга отланган бўлсангиз, албатта, эҳтиёткорлик чораларини кўриб, ҳаракатланиш қоидаларига қатъий амал қилишни маслаҳат берамиз. Аввал ўйла, кейин сўйла, нақли жуда қўл келади. Ҳафта охирида спорт, ақлий мусобақаларда иштирок этиш омадли кечади.

### ҚОВҒА



Молиявий ишларда кутилмаган ҳодисалар бўлиб, катта пул эгаси бўлиш ёки моддий зарар кўриш эҳтимолдан холи эмас. Пул билан боғлиқ ишларда ўйлаб йўл тутган маъқул. Кўчмас мулк ва ипотека кредитлари билан боғлиқ масалалар ўз ечимини топиши кутилмоқда.

### БАЛИК



Қайсарлик, ўзбошимчилик атрофдаги инсонларга зарар етказиши мумкин. Эҳтиётсизлик туфайли кўнгилсиз ҳолатга тушиб қолишингиз эҳтимолдан холи эмас. Турмуш ўртоғингиз билан очиқ гаплашиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўласиз.

**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.05 Т/с «Тойчоқ».  
7.40 «Икки дарё оралигида».  
8.00 «Тахлилнома».  
8.40 «Довюрак самурай» Т/с.  
9.20 «Маънавият» дастури.  
10.20 «Изхор».  
«Болалар сайёраси»:  
10.25 «Болалар дунеси».  
10.45 «Дугоналар». М/ф.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «Воқеа».  
11.40 Тошкент - 2200. «Кўхна Тошкентим».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.55 Миллий кино: «Ёрер».  
14.00 «Ахборот»  
14.20 «Ватанпарвар».  
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».  
15.55 2009 йил - Кишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили. «Обод манзиллар».  
16.25 «Юртим буйлаб» дастури: «Паландара жилолари».  
16.35 «Бир кун».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Ҳаёт ва қонун».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
18.00 Т/с «Турмуш чоррахаларида».  
18.40 «Олтин мерос».  
18.50 «Очун».  
19.00 «Қамолот остонаси».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.30 «Ахборот». (рус).  
20.00 ТВ - анонс.  
20.05 «Адолат тарозиси». Т/с.  
20.45 «Ватанимни куйлайман».  
20.50 ТВ - анонс.  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Парламент вақти».  
21.50 «Довюрак самурай» Т/с.  
22.30 «Иқлим».  
22.35 ТВ - анонс.  
22.40 «Мулоқот». Б/ф.  
23.10 «Олам ва одам» дастури: «Тирик сайёра».  
00.05 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.15 Курсатувлар дастури.  
00.20 «Ватанпарвар».  
01.00 «Ахборот». (рус).  
01.30 ТВ - анонс.  
01.35 «Обод манзиллар».  
02.00 «Маънавият» дастури.  
04.00 «Ахборот».  
04.30 ТВ - анонс.  
04.35 Т/с «Турмуш чоррахаларида».  
05.15 «Икки дарё оралигида».  
05.35 «Очун».  
05.45 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

13.55 «Yoshlar» саломи».  
14.00 «Қамолот».  
14.10 «Келажақ эгалари».  
14.20 «Наврўз мушоираси».  
14.40 «Чемпион».  
15.00 «Афсона ва ҳақиқат». Илмий-маърифий дастур.

15.15 «Қамалак жилваси».  
15.55 «Жаннат ўлкам».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Жаҳон операси».  
16.20 «Нафосат олами».  
16.30 «Ўтмиш хиебони».  
16.55 «Қувноқ оҳанглар».  
17.00 «Даврининг боласи».  
17.10 «Эртақлар оламида».  
18.20 «Ҳаёт завқи».  
18.35 «Юртим юраги».  
18.40 2009 йил - Кишлоқ тараққиети ва фаровонлиги йили: «Қишлоқдаги кадрдон».  
18.50 «UzEX».  
18.55 «Онажон қишлоғим».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Баҳор таровати» Т/с.  
20.20 «Дутор». Х/ф.  
20.40 «Навбатчи».  
20.50 «Автоматруль».  
21.10 «Қасамёд». Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Ўткан кунлар».  
22.55 «Миллий мерос».  
23.00 «Ҳаёт-мамот». Т/с.  
23.45 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

17.50 Курсатувлар тартиби.  
17.55 Мультфильм «Олтин шаҳар излаб» 4-қисм.  
18.05 «Телекурьер-маркет».  
18.20 «Тошкент-2200».  
18.25 «Анонс».  
18.30 «Пойтахт».  
18.50 «Анонс».  
18.55 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».  
19.20 Бизнес - «Пойтахт».  
19.25 «Муסיқа SMS».  
19.45 «Анонс».  
19.50 «Интервью». (рус).  
20.00 «Пойтахт» (рус).  
20.20 Тошкент шахрининг 2200 йиллиги олдида: «Тошкент ва тошкентликлар». БевоСИта мулоқот.  
21.05 «Жозиба».  
21.25 «Анонс».  
21.30 «Пойтахт».  
21.50 «Анонс».  
21.55 «Уйларим».  
22.00 «Телекурьер-маркет».  
22.15 «Аёл қалби».  
22.30 «Пойтахт» (рус).  
22.50 «Қино SMS со звездами».  
22.55 Кино: «ЛысыЙ нянька».

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Талқин».  
8.35 «Малахов +».  
9.30 «Версия».  
10.00 «Галактический футбол». Мультсериал.  
10.25 ФУТБОЛ. «МАНЧЕСТЕР СИТИ» - «ФУЛХЭМ».  
12.00 «Виллоят спорти».  
13.00 «Профринг».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Баркамол авлод».  
18.30 «Хабарлар». (рус).  
18.50 «Зазеркалье побед». Документальный фильм.  
19.10 «АЗИЯ ЛОТО».  
19.50 ФУТБОЛ. «БАРСЕЛОНА» - «БАВАРИЯ».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 Интерфутбол.  
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро»  
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.35, 2.00 Новости  
8.30 «Малахов +»  
9.25 «Модный приговор»  
10.25 «Контрольная закупка»  
11.20 «Агент национальной безопасности». Фильм  
12.20 «Детективы»  
13.25 «Понять. Простить»  
14.15 «Хочу знать»  
14.45 «Давай поженимся!»  
15.55 «Федеральный судья»  
17.20 «След»  
18.05 «Жди меня»  
18.55 «Богатая и любимая». Фильм  
20.00 «Время»  
20.30 «Шальной ангел». Фильм  
21.35 «Холодная война Никиты Хрущева»  
22.35 «Познер»  
23.55 «Гении и злодеи»  
0.25 Комедия «Горячие головы 2»  
2.05 Триллер «Обрученные смертью»

**«Россия»**

4.00 Доброе утро, Россия!  
7.55 «Паломничество в Вечный город». «Апостол Павел».  
8.50, 10.45 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ». Т/с.  
9.50, 13.00, 16.00, 19.00, 22.50, 3.45 Вести.  
11.40, 13.40 Фильм «Приключения Шерлока Холмса и доктора Ватсона. Двадцатый век начинается».  
15.30 «КУЛАГИН И ПАРТНЕРЫ».  
17.00 «ОДНАЖДЫ БУДЕТ ЛЮБОВЬ». Т/с.  
18.00 «КАРМЕЛИТА. ЦЫГАНСКАЯ СТРАСТЬ». Т/с.  
19.50 Спокойной ночи, малыши!  
20.00 Т/с «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ».  
21.55 «По ту сторону жизни и смерти. Ад».  
23.10 Комедия «Большая кража».  
0.45 Фильм «Зеленый дракон».  
2.35 «Паломничество в Вечный город». «Апостол Павел».  
3.20 «Городок». Дайджест.

**НТВ**

5.00 «Сегодня утром».  
8.00 Квартирный вопрос.  
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 22.00 Сегодня.  
9.25, 14.30, 17.30 Чрезвычайное происшествие.  
10.00 Следствие вели...  
11.00 Суд присяжных.  
12.35 Т/с «ВОЗВРАЩЕНИЕ МУХТАРА».  
15.30 Т/с «ЧАС ВОЛКОВА».  
18.40 Т/с «ЛИТЕЙНЫЙ».  
20.40 Честный понедельник.  
21.40 Ты не поверишь! Обзор.  
22.25 Т/с «ФОРМУЛА СТИХИ».  
23.20 «Школа злословия».  
0.10 Футбольная ночь.

0.45 Фильм «ПЕРЕВАЛ РАЗБИТЫХ СЕРДЕЦ».  
3.00 «СЕРИЙНЫЕ УБИЙЦЫ: ЖИЗНЬ СРЕДИ КАННИБАЛОВ».  
4.15 Т/с «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

**ТВ 3**

7.00 Мультфильмы.  
10.00, 19.05 «ЧЕЛОВЕК-НЕВИДИМКА». Т/с.  
11.00 Док. фильм «Городские легенды. Тобольск. Окно в прошлое».  
12.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНДИАНЫ ДЖОНСА». Т/с.  
16.00 Док. фильм «Разрушители мифов».  
16.50 «Упс!»  
17.15, 2.00 «НОВЫЙ ДЕНЬ». Т/с.  
18.10 «ВАВИЛОН 5». Т/с.  
20.00 «МОЯ ЛЮБИМАЯ ВЕДЬМА». Т/с.  
21.00 Док. фильм «Тайные знаки. Подлинная жизнь агента 007».  
22.00 Док. фильм «Затерянные миры».  
23.00 Х/ф «ЧЕРНЫЙ РОЙ».  
1.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА». Т/с.  
3.00 Док. фильм «Разрушители мифов».  
4.00 Х/ф «ОБОРОТЕНЬ».  
6.15 Релакс.

**ТНТ**

5.00 «Антология юмора».  
5.55 «Наши песни». Жасмин.  
6.00 Такси.  
6.30 «ДРЕЙК И ДЖОШ». Т/с  
7.00 «Привет! Пока!»  
7.30 «Убойная лига».  
8.30 «Убойной ночи».  
9.00 «Женская лига». Комедия.  
9.30, 12.30, 17.00, 18.30 «СЧАСТЛИВЫ ВМЕСТЕ». Комедия.  
10.00 «Никеллодеоны».  
13.00 Такси.  
13.30, 20.00, 23.00, 1.35 «Дом-2. Live».  
14.55 «ИЛЛЮЗИОНИСТ». Мистика.  
17.30 «УНИВЕР». Ситком.  
18.00 Такси.  
19.30 «УНИВЕР». Ситком.  
21.00 Комедия «АСТЕРИКС И ОБЕЛИКС: МИССИЯ КЛЕОПАТРА».  
23.30 «Убойной ночи».  
0.00 «ЛЮБОВЬ НА РАЙОНЕ». Комедия.  
0.30 Танцы без правил.  
2.30 «Необъяснимо, но факт».  
3.20 «Запретная зона».  
4.15 «САША + МАША». Комедия.

**СТС**

7.00, 14.00 Мультфильмы.  
8.30, 10.30, 18.00, 20.00 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».  
9.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.  
10.00, 1.00 Истории в деталях.  
11.00, 17.00 «Галилео». Журнал.  
12.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
13.00 «ЧЕМПИОН». Мелодрама.  
16.30 Комедия «ХАННА МОНТАНА».

18.30 «КАДЕТСТВО». Драмеди.  
19.30 «6 кадров».  
21.00 «РАНЕТКИ». Драмеди.  
22.00 «КРЕМЛЕВСКИЕ КУРСАНТЫ». Драмеди.  
23.00 Кино «ДЕТИ ВЕТРА».  
0.45 «6 кадров».  
1.30 «Кино в деталях».  
2.30 «ГЕРОИ». Х/ф.  
4.15 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Х/ф.  
6.00 Музыка.

**ДТВ**

7.00 Клуб детективов.  
7.55 Музыка.  
8.00 Тысяча мелочей.  
8.30 Мультфильмы.  
9.30, 13.30, 1.00 Криминальные новости «Состав преступлений».  
10.00 «Вне закона».  
10.30, 17.00 Детектив «МОРСКАЯ ПОЛИЦИЯ СПЕЦОТДЕЛ».  
11.30 Фильм «ПО 206-Й».  
14.00 Судебные страсти.  
15.00 «Вне закона».  
15.30, 19.00, 22.30 Детектив «БЕЗМОЛВНЫЙ СВИДЕТЕЛЬ-3».  
16.00, 0.00 Детектив «ЗАКОН И ПОРЯДОК. СПЕЦКОРПУС».  
18.00 Судебные страсти.  
19.30, 23.00 Детектив «СЛЕПОЙ».  
20.30 «Смешнее, чем кролики».  
21.00 Детективное реалити «Брачное чтение».  
22.00 «Вне закона».  
1.30 Автоновости «Караданый вал +».  
2.00 Детектив «МЕРТВАЯ ЗОНА».  
2.50 Клуб детективов.  
4.50 Самое захватывающее видео.

**7 ТВ**

6.00, 7.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».  
6.05 X-treme 99.9.  
7.05 Экстрим: начало века.  
7.35 Outrageous and Courageous.  
Профилактика с 8.00 до 18.00.  
18.05 Бега и скачки.  
18.35 Под водой с...  
19.05, 22.05, 1.20 NBA Live!  
19.20 Off-Road Drive.  
19.35 Звезда автострады.  
20.05 KOTV: классика бокса.  
21.05 Диалоги о рыбалке. Классика.  
21.20, 1.35, 5.05 Мировой футбольный уик-энд.  
21.35, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.  
22.20 Классика: Премьер-лига.  
23.05 Дартс.  
0.05 Wrestling: опасная зона.  
0.35 Диалоги о рыбалке.  
2.05 Шоу «Ночной выигрыш».  
3.05, 4.05 Спортмания.  
5.15 Outrageous and Courageous.  
5.30 Веселые старты.



**«O'zbekiston»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
7.05 Т/с «Тойчоқ».  
7.40 «Икки дарё оралигида».  
8.00 «Ахборот».  
8.35 «Довюрак самурай».  
Т/с.  
9.15 «Изҳор».  
9.20 «Маънавият» дастури.  
10.20 «Эзгулик».  
10.40 Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси на-  
мойиш этади: 1. «Ер-бебаҳо  
бойлик». 2. «Кокилдор хо-  
нақохи мейморчилик ёдгор-  
лиги».  
10.55 «Сизнинг адвокатин-  
гиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.10 «ТВ - шифокор».  
11.15 «Адолат тарозиси», Т/с.  
11.50 «Ахборот», (инглиз).  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
12.55 Т/с «Турмуш чорра-  
халарида».  
«Болалар сайёраси»:  
13.35 «Андерсен эртакла-  
ри», М/с.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
15.05 «Олам ва одам» дас-  
тури: «Тирик сайёра».  
16.00 «Тезкор хабарлар».  
16.20 «Оҳанрабо».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 «Худудлар ҳаёти».  
«Болалар сайёраси»:  
17.35 «Эртақлар - яхшилик-  
ка етаклар».  
17.55 «ТВ - бизнес хабар-  
лари».  
18.00 Т/с «Турмуш чорра-  
халарида».  
18.40 «Олтин мерос».  
18.50 «Юртим буйлаб» дас-  
тури: «Анҳор - ҳаёт суви».  
19.00 «Навоийни англаш».  
19.20 «ТВ - шифокор».  
19.30 «Ахборот», (рус).  
20.05 «Адолат тарозиси», Т/с.  
20.45 «Ватанимни куйлай-  
ман».  
21.00 «Ахборот».  
21.30 «Одамлардан бири».  
21.50 «Довюрак самурай».  
Т/с.  
22.40 «Куза», Б/ф.  
23.10 «Олам ва одам» дас-  
тури: «Тирик сайёра».  
00.05 Тунги наволар.

**«Uzbekistan»**

00.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.  
01.00 «Ахборот», (рус).  
01.30 «Ёшлар майдони».  
02.00 «Маънавият» дастури.  
04.00 «Ахборот».  
04.30 Т/с «Турмуш чорра-  
халарида».  
05.10 «Икки дарё оралиги-  
да».  
05.30 «Навоийни англаш».  
05.50 Тонги наволар.

**«Yoshlar»**

6.55 «Yoshlar» салони.  
7.00 «Ёшлар майдони».  
7.30 «Кувноқ оҳанглар».  
7.35 «Мультипанорама».  
7.45 «Улугъ неъмат».  
7.50 «Ўзбегим дўппилари».  
8.10 «Баҳор таровати», Т/с.  
8.55 «Ракслар гулдастаси».  
9.00 «Даврнинг боласи».  
9.10 «Кувноқ дўмбоқчалар».  
9.20 «Табиатни севамиз».  
9.35 «Соғлик - бойлик».  
9.55 «UzEx».  
10.00 «Давр».  
10.10 «Ғолиб», Т/с.  
10.50 «Муъжизавий дунё».  
Илмий-маърифий дастур.  
11.30 «Ёшлар ва таълим».  
11.40 «Дунё буйлаб».

12.00 «Тошкент - 2200».  
12.10 «Қасамёд», Т/с.  
12.55 «UzEx».  
13.00 «Давр».  
13.10 «Наврўз нашидаси».  
13.30 «Ёшлар майдони».  
14.00 Миллий сериал:  
«Меҳмонжонлардан айла-  
най».  
14.35 «Навоий хазинаси».  
14.40 «Ватанпарвар».  
15.20 «Юртим юраги».  
15.25 «Келажакка инти-  
либ».  
15.55 «Мафтункор замин».  
16.00 «Давр».  
16.10 «Жаҳон операси».  
16.20 «Нафосат олами».  
16.30 «Ўтмиш хиёбони».  
16.55 «Илҳом қанотлари».  
17.00 «Даврнинг боласи».  
17.10 «Эртақлар оламида».  
18.30 «Навоий набирала-  
ри».  
18.40 «Бепарво бўлман!»  
18.50 «UzEx».  
18.55 «Онажон қишлоғим».  
19.00 «Давр».  
19.30 «Баҳор таровати», Т/с.  
20.20 «Футбол-2009».  
20.50 «Автопатруль».  
21.10 «Қасамёд», Т/с.  
22.00 «Давр».  
22.30 «Ўткан кунлар».  
22.55 «Миллий мерос».  
23.00 «Ҳаёт-мамот», Т/с.  
23.45 «Юрт тинчлиги».

**«Тошкент»**

17.55 Мультфильм: «Олтин  
шаҳар излаб», 5-қисм».  
18.05, 22.00 «Телекурьер-  
маркет».  
18.20 «Тошкент-2200».  
18.30 «Пойтахт».  
18.55 Т/с «Муҳаббат қаҳва-  
си».  
19.20 Бизнес- «Пойтахт».  
19.25 «Музыка SMS».  
19.50 «Химоя».  
20.00 «Пойтахт» (рус).  
20.20 «Тошкент-2200»  
(рус).  
20.25 Т/с «Милагрос» (рус).  
20.55 «Репортаж».  
21.05 «Жозиба».  
21.30 «Пойтахт».  
21.50 «Ягонамансан, Тошкен-  
тим!».  
21.55 «Ўйларим».  
22.15 «Путешествие в Бар-  
селону», 1-я часть».  
22.30 «Пойтахт» (рус).  
22.55 Кино: «Юрта».

**«Sport»**

7.00 «Бодрое утро».  
7.50 «Тет-а-тет».  
8.00 «Хабарлар» (рус)  
8.20 «Малахов +».  
9.05 «Галактический фут-  
бол». Мультсериал.  
9.30 «Хабарлар»  
9.50 ФУТБОЛ. «МАНЧЕ-  
СТЕР ЮНАЙТЕД» - «ПОРТУ».  
11.30 «Спорт - менинг  
ҳаётим».  
11.50 ФУТБОЛ. «ЧЕЛСИ» -  
«ЛИВЕРПУЛЬ».  
18.00 «Тет-а-тет».  
18.10 «Спортимиз малика-  
лари».  
18.30 «Хабарлар» (рус)  
18.50 Кураш. Ат-Термизий  
хотира турнири.  
19.50 «Кулгу шифо».  
20.15 Теннис.  
21.00 «Футбол шарҳи».  
21.30 «Хабарлар»  
21.50 Интерфутбол.  
23.40 ФУТБОЛ. «ЛИВЕР-  
ПУЛЬ» - «ЧЕЛСИ».  
1.40 «Тунингиз осуда  
булсин!»

**«Первый канал»**

4.00, 8.05 «Доброе утро»  
8.00, 11.00, 13.00, 14.00,  
17.00, 22.40, 2.00 Новости  
8.30 «Малахов +»  
9.25 «Модный приговор»  
10.25 «Контрольная закуп-  
ка»  
11.20 «Агент национальной  
безопасности». Фильм  
12.20 «Детективы»  
13.25 «Понять. Простить»  
11.40 «Ҳажвия бисотидан».  
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
13.00 «Иқлим».  
13.05 ТВ - анонс.  
13.10 Ҳинд киноси: «Саробга айланган умидлар».  
«Болалар сайёраси»:  
16.15 «Кўрсатувлар саргузашлари». М/ф.  
17.45 ТВ - анонс.  
17.50 «Ҳамон ёдимда...»  
18.30 Миллий кино: «Хотира раши».  
19.30 «Тахлилнома». (рус).  
20.05 ТВ - анонс.  
20.10 Т/с «Денгиздан томчи».  
20.40 «Кўнгил қўшиқ истайди».  
21.00 «Тахлилнома».  
21.45 ТВ - анонс.  
21.50 «Заковат».  
22.50 «Мойчечак». Б/ф.  
00.50 Тунги наволар.

«Yoshlar»

6.55 «Yoshlar» саломи.  
7.00 «Якшанба нонуштаси».  
7.20 «Тошкент таронаси».  
7.30 «Ранглар рақси».  
8.10 «Баҳор таровати». Т/с.  
8.55 «Навоий хазинаси».  
9.00 «Унутилмас оҳанглар».  
9.40 «Соғлиқ - бойлик».  
10.00 «Ватанпарвар».  
10.40 Миллий сериал: «Қонли олишув». 1-қисм.  
11.20 «Маслаҳат». Ҳажвия.  
11.50 «Ўзбегим матолари».  
12.10 «Қасамёд». Т/с.  
12.55 «Ардоқ».  
12.50 «Навоий набиралари».  
13.00 «Болалар давраси».  
13.30 «Эртақлар оламида».  
14.40 «Суви асранг!»  
14.50 «Қамолот».  
15.00 «Эверест».  
15.30 «Бугун».  
16.00 «Жумонг». Т/с.  
17.10 «Шарқ гавҳари».  
17.30 Миллий кино: «Семург».  
18.40 «Оқ кабутар».

18.45 «Тошкент - 2200».  
18.55 «Онажон қишлоғим».  
19.00 «Давр». Ҳафта якуни.  
19.30 «Тараннум».  
20.10 «Қалпоқ». Ҳажвия.  
20.40 Жаҳон киноси: «Ы» операцияси».  
22.10 Ҳинд киноси: «Мариголд».  
00.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.20 Кўрсатувлар тартиби.  
7.25 «Салом, Тошкент!»  
8.25 Бизнес - «Пойтахт».  
8.35 Т/с «Муҳаббат қаҳваси».  
9.00 «Телекурьер-маркет».  
9.15 «Анонс».  
9.20 «Ягонаман, Тошкентим!»  
9.30 «Пойтахт».  
9.40 «Афиша».  
9.50 «Интервью».  
10.00 «Музыка SMS».  
10.20 «Анонс».  
10.25 «Тошкент 2200».  
10.30 «Пойтахт». (рус).  
10.40 «Анонс».  
10.45 Индийское кино: «Сила любви». 1-2-я серии  
13.25 «Мысли вслух».  
13.30 «Телекурьер-маркет».  
13.45 «Анонс».  
13.50 «Планета земля. Мелководные моря». Позновательная программа.  
14.40 «Анонс».  
14.45 «Истеъдод».  
15.05 «Телекурьер-маркет».  
15.20 «Саргузаштлар ороли».  
15.50 Болалар учун фильм: «Матильда».  
17.20 «Музыка SMS».  
17.40 Театр: «Жайдари келин. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусликий драма театрининг спектакли».  
19.20 «Анонс».  
19.25 «Фаровонлик бекасти».  
19.40 «Тошкентда латифа».  
19.45» Телекурьер-маркет».  
20.00 «КИНОТАҚДИМ».  
20.25 «Анонс».  
20.30 «Открытая дверь».  
21.00 «Мысли вслух».  
21.05 «Анонс».  
21.10 «Кино SMS со звездами». «День, когда земля остановилась». «Слепота». «Дом из песка и тумана».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».  
9.00 «Хабарлар». (рус).  
9.20 «Кувнок стартлар».  
10.00 «Хабарлар»  
10.20 ФУТБОЛ. «АНДИЖОН» - «СЎҒДИЁНА».  
12.00 «Аптека слушает».  
12.45 «АВТОграф».  
13.05 «ГОЛ».  
18.00 «Жасур болалар».  
18.30 «Версия».  
19.00 «Спорт уик-энд».  
19.30 «Фоторевью».  
19.50 ФУТБОЛ. «ЮВЕНТУС» - «ИНТЕР».  
21.30 «Талкин».  
21.55 Интерфутбол. Испания чемпиони.  
23.50 «Профринг».  
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«Первый канал»

5.00, 9.00, 11.00 Новости  
5.10 Фильм «Молодые»  
7.00 «Смак»  
7.40 «Служу Отчизне!»  
8.10 «Умницы и умники»  
9.20 «Непутевые заметки»  
9.35 «Пока все дома»  
10.25 «Фазенда»  
11.15 Фильм «Белые Росы»  
12.50 Фильм «Я остаюсь»  
15.00 Футбол. Чемпионат России. V тур. «Локомотив» - «Зенит».  
17.00 «Обожженные слабой»  
18.00, 21.00 «Две звезды»  
20.00 «Время».  
22.00 «Что? Где? Когда?»  
23.20 Европейский хоккейный тур. Сборная России - Сборная Швеции.  
0.55 Фильм «Продлись, продлись, очарованье...»  
3.00 Профилактика.

«Россия»

4.55 Фильм «Первое свидание».  
6.30 «Смехопанорама».  
7.00 Сам себе режиссер.  
7.50 Утренняя почта.  
8.25 Фильм-сказка «Царевич Проша».  
10.00, 13.00, 19.00 Вести.  
10.50 «Городок». Дайджест.  
11.20 «Сто к одному».  
12.15 Парламентский час.  
13.55 «Честный детектив».  
14.25 Аншлаг и Компания.  
16.20, 20.05 «Танцы со звездами».  
20.20 «С днем рождения, Алла!» Юбилейный концерт А. Пугачевой.  
23.20 Фильм «Ультрафиолет».

НТВ

4.10 Фильм «УЧИТЕЛЬ В ЗАКОНЕ».  
5.45 Мультфильмы.  
6.30 «Дикий мир».  
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня.  
7.20 Лотерея «Русское лото».  
7.45 Их нравы.  
8.25 Едим дома.  
9.20 Спасатели.  
9.50 «Quattroruote».  
10.25 Авиаторы.  
11.00 Дачный ответ.  
12.25 Фильм «ВРЕМЯ ЖЕЛАНИЙ»  
14.05 Своя игра.  
15.20 Борьба за собственность.  
16.00, 3.25 Т/с «ЗАКОН И ПОРЯДОК».  
18.50 А. ПУГАЧЕВА: «ПРИЗНАНИЯ ЖЕНЩИНЫ, КОТОРАЯ ПОЕТ».  
20.00 «Главный герой».  
21.00 Русские не сдаются!  
21.25 Фильм «ЕЛИЗАВЕТА. ЗОЛОТОЙ ВЕК».  
23.30 «Quattroruote».  
0.05 Фильм «ГИГАНТ».

4.15 Т/с «ВСЕ ВКЛЮЧЕНО».

ТВ 3

7.00, 17.00 Мультфильмы.  
10.15 Х/ф «КАРАНТИН».  
12.00 «ПРИКЛЮЧЕНИЯ ИНDIАНЫ ДЖОНСА». Т/с.  
14.00 «ЗВЕЗДНЫЕ ВОЙНЫ. ВОЙНЫ КЛОНОВ». Т/с.  
15.00 Х/ф «ЛЕГЕНДА О ДРАКОНЕ».  
17.10 Х/ф «АЛИСА В СТРАНЕ ЧУДЕС».  
20.00 Док. фильм «Городские легенды. Краснодар. Проклятие древних захоронений».  
21.00 Х/ф «ТОЧКА ВХОДА».  
23.00 Х/ф «ТВОРЕНИЕ ПИТЕРА БЕНЧЛИ».  
1.00 Х/ф «ЗАПУТАННЫЙ».  
3.00 Х/ф «ОБМЕН».  
5.30 Комната страха.  
6.00 Relaks.

ТНТ

5.00 Мультфильмы.  
7.25 «САША + МАША». Комедия.  
7.45 «Первая Национальная лотерея». Лотерея  
7.50 «Наши песни». Жасвин Проща.  
8.00, 20.00, 0.40, 2.10 «Дом-2. Город любви».  
9.00 «Школа ремонта».  
10.00 «Замуж за звезду».  
Док. фильм.  
11.00 «Странные места».  
Док. фильм.  
12.00 «Смех без правил».  
13.00 «АВГУСТ РАШ». Мелодрама.  
15.05 «ВО ИМЯ КОРОЛЯ» Фантастика.  
18.00, 22.00 «Женская лига». Комедия.  
19.00 «Битва экстрасенсов».  
21.00 «Комеди Клуб».  
22.30 «Смех без правил».  
23.35 «Убойной ночи».  
0.05 «Секс».  
1.10 Клуб бывших жен.  
3.05 «Необъяснимо, но факт».  
4.00 «Запретная зона».

СТС

7.00 «РОСКОШНАЯ ЖИЗНЬ».  
Х/ф.  
9.20, 16.00 Мультфильмы.  
10.15 «Самый умный».  
12.00 «Галилео». Журнал.  
13.00 «Снимите это немедленно!»  
14.00 Комедия «ДОМ КУВЫРКОМ».  
15.30 «Обитаемый остров. Схватка».  
17.00 «б кадров».  
18.30 Комедия «ПАПИНЫ ДОЧКИ».  
21.00 «б кадров».  
22.00 Кино «НЯНЯ-2».  
23.45 «б кадров».  
0.30 «Хорошие шутки».  
2.30 «ПОЛИЦЕЙСКИЕ БУДУЩЕГО». Х/ф.

ДТВ

7.00 Клуб детективов.  
7.55 Музыка.  
8.00, 14.30 Фильм «Как уходишь кумиры».  
9.00 Тысяча мелочей.  
9.30 Мультфильмы.  
12.30 Фильм «АФЕРИСТЫ».  
15.30 Х/ф «ЛЕГЕНДА О ЗВЕРЕ».  
17.30 Судебные страсти.  
19.30 «Смешнее, чем кролики».  
20.00, 1.00 Детективное реалити «Брачное чтиво».  
21.00 Фильм «КУРЬЕР».  
23.00 «Смешнее, чем кролики».  
0.00 Детектив «С.С.I. МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАЙАМИ-6».  
1.30 «Смешнее, чем кролики».  
2.00 Х/ф «ЛЕГЕНДА О ЗВЕРЕ».  
4.00 Клуб детективов.  
6.00 «Каламбур».

7 ТВ

6.00 Super-утро.  
11.00, 0.00, 1.00, 2.00, 3.00, 4.00, 5.00 «7 новостей».  
11.05 KOTV: классика бокса.  
12.00 Game Sport.  
12.10, 18.40, 22.40, 1.20 NBA Live!  
12.30, 17.10, 22.00, 1.05 NHL. Ежедневный обзор.  
12.40 Cyber Sport.  
13.00 Superstars Championship. 1-й этап (Имола, Италия). 1-я гонка. Прямая трансляция.  
14.00 Футбол. Кубок Англии. Полуфинал: «Arsenal» - «Chelsea».  
16.00 Море дайвинга.  
16.10 Экстрим: начало века.  
16.40, 5.30 Wrestling: опасная зона.  
17.30 Танцфоруm 2009. XI открытый московский международный турнир.  
18.30 Диалоги о рыбалке.  
19.00 Superstars Championship 2009. 1-й этап (Имола, Италия). 2-я гонка. Прямая трансляция.  
20.00 Футбол. Кубок Англии. Полуфинал: «Manchester United» - «Everton».  
Прямая трансляция.  
22.10 Volvo Ocean Race.  
23.00 X-treme 99,9.  
0.05 Покер.  
1.35 Outrageous and Courageous.  
2.05 Шоу «Ночной выигрыш».  
3.05, 4.05 Спортмания.  
5.05 Только не это!  
5.15 Outrageous and Courageous.

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# АҲМАД АЛ-ФАРҒОНИЙ – ЖАҲОНИЙ ОЛИМ

**Тарихдан маълумки, VIII–XVII асрларда Яқин ва Урта Шарқда етти юздан ортқ қомусий олимлар математика, астрономия, география, механика, оптика фанлари соҳасида баракали ижод қилишган. Шулардан беш юзга яқини Марказий Осиёдан чиққан. Ҳозиргача қирққа яқин олимнинг ижоди бизгача етиб келган. Уларнинг араб, форс тилларидаги рисолаларини ўзбек ва рус тилларига шарҳлар асосида таржима қилиш орқали ўрганган, қолганлари эса ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.**

Ўрта асрларда яшаган Марказий осиелик олимлар орасида буюк астроном, математик ва географ сифатида танилган қомусий олим Аҳмад ал-Фарғоний салмоқли ўрин эгаллайди. Мутафаккирнинг тўлиқ исми Абу Аббос ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний бўлиб тахминан 798 йили ҳозирги Фарғона вилоятининг Кува (Кубо) шаҳрида туғилган. Ал-Фарғоний деган тахаллус берилишининг сабаби, ўрта асрларда мусулмон ўлкаларда бўлган анъанага биноан, мамлакат пойтахти ёки марказини ҳам мамлакат номи билан аташган. Ана шу одатга кўра, ўрта асрлардаги Фарғона водийсини марказий шаҳри Ахсикатни ҳам Фарғона дейишган. Шу сабабли буюк мутафаккир Шарқда ал-Фарғоний, Европада Алфраганус тахаллуслари билан машҳур бўлган. Аммо унинг ҳаёти ва илмий фаолияти тўғрисида жуда оз, узук-юлуқ маълумотлар етиб келган.

Аҳмад ал-Фарғоний ҳаёти, илмий изланишлари ва камолоти Аббосийлар сулоласи ҳукм сурган, араб халифалиги жаҳоннинг энг йирик салтанатларидан бирига айланиб, унинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросондан келган кўплаб мутафаккирлар муҳим ўринга эга бўла бошлаган тарихий даврда кечди. Маълумотларга кўра, Аҳмад ал-Фарғоний тахминан 811 йилда Фарғонадан Марвга келган. Чунки Марв шаҳри илк ўрта асрлардаёқ Урта Осиёнинг йирик маданий ва илмий-маърифий марказларидан бири бўлган. Бу масканда Мовароуннахр, Хоразм ва Хуросондан кўплаб олимлар, фозиллар ва мутафаккирларнинг йиғилиб туришлари, ўз даврининг фани, маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Марв шаҳри халифалик қўл остига ўтган ҳам ўзининг қадимги мавқеини йўқотмай, нафақат илмий, маданий балки фатҳ этилган шарқий вилоятларнинг сиёсий марказига ҳам айланган эди.

Бағдод халифаси Хорун ар-Рашид вафотидан кейин унинг васиятига кўра тахтга катта ўғли – Муҳаммад ал-Амин номи билан ўтиради. 811 йилдан 813 йилгача ака-ука Муҳаммад ва Абдуллоҳ ўртасида тахт учун олиб борилган кураш Абдуллоҳ ғала-

баси билан тугайди ва Муҳаммад қатл қилинади. 806 йилда Хорун ар-Рашид ўғли Абдуллоҳни Мовароуннахр ва Хуросоннинг ноибни етиб Марвга юборган эди.

813 йили Абдуллоҳ ал-Маъмун номи билан тахтга ўтиради, бироқ у халифалик пойтахти Бағдодга бормай, 819 йилга қадар Марвда яшайди. У ўз атрофида олиму фозилларни тўплайди. 819 йили ал-Маъмун барча сарой аъёнлари ва олимлари билан бирга Марвдан Бағдодга кўчади. Улар орасида Аҳмад ал-Фарғоний ҳам бўлган.

Абу Райхон Беруний маълумотлари буйича Хорун ар-Рашид асос солган «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») ва иккита расадхона (бири Бағдоднинг аш-Шаммосия маҳалласида ва иккинчиси Дамашқ яқинидаги Кайсийун номли тоғда жойлашган), бой кутубхонада олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Расадхоналарнинг ҳар бирида «Байт ул-ҳикма» олимларининг иккита доимий гуруҳи ишлар эди. Олимлар илмий экспедициялар уюштирар эдилар. Умумий раҳбарлик Бағдодда бошқариларди. Абу Райхон Берунийнинг яна бир хабарида Бағдод расадхонасининг ишида Яҳё ибн Мансур, ал-Хоразмий ва бошқа олимлар, Дамашқ расадхонасида эса Холид ибн Абдумалик ва ал-Фарғоний билан бирга иккинчи гуруҳ олимлар ишлаганлар, дейилган.

«Байт ул-ҳикма»нинг фаолияти ал-Маъмун замонида равақ топишида араблар ва бошқа халқларнинг вакиллари билан бир қаторда Мовароуннахрдан борган улўғ аллома боболаримиз қомусий олимлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, шунингдек, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвзий (кўпроқ Ҳабаш Хосиб номи билан машҳур бўлган) ва унинг ўғли Абу Жаъвар, Холид ибн Абдумалик Марварудий ҳамда унинг ўғиллари Муҳаммад ва Умар, Сирдарё бўйларидан Аббос бин Саид Жавҳарий ва бошқаларнинг самарали илмий фаолиятлари билан боғлиқ бўлганини нафақат Шарқ, Европанинг бир қатор буюк олимлари ўз асарларида эътироф этганлар.

Ибн ал-Қифтий «Китаб ахбар ал-улама-би-ахбар ал-Хукама» асарига асаридан ал-Хоразмийнинг Бағдодга келиб,

«Байт ул-ҳикма»нинг кутубхонасига мудирлик қилгани ҳақида ёзилади. Маълумотларга кўра, ал-Хоразмий вафотидан кейин мазкур кутубхонага Аҳмад ал-Фарғоний мудирлик қилган. Бу ал-Фарғоний Хоразмий билан ҳамкорликда илмий фаолият олиб борган дейишга асос бўлади.

Аҳмад ал-Фарғоний аввал Бағдоддаги расадхонада иш олиб борди, сўнгра ал-Маъмун топшириғига биноан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳара-

даражасининг узунлигини ўлчашда қатнашди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва илмий ҳамда амалий фаолияти тўғрисида энг сўнги маълумот 861 йилга мансубдир. Аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил буйруғига биноан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Мисрнинг Қоҳира яқинидаги Фустат шаҳрига келади. Нил дарёсининг Равза оролида сув сатҳини ўлчайдиган километрлик қайта тиклади ва такомил-

каби етти асарлари етиб келган. Асарларнинг қўл ёзмалари Берлин, Душанба, Лондон, Париж, Техрон, Тошкент, Машҳад, Патна, Рампур, Халаб ва Қоҳирадаги йирик кутубхоналарда сақланмоқда. Аҳмад ал-Фарғоний ўзининг ҳаёти ва ижоди билан аниқ фанлар тарихида чуқур из қолдирди.

Ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» асари 1145 йилдан бошлаб лотин тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу таржималарнинг барчаси ал-Фарғоний исми лотинчада «Алфраганус» шаклида ёзилиб, шу шаклда фанга абадий кириб қолди. Шунингдек, астрономия фанига оид китоби ирвит тилига ҳам таржима қилинган.

1669 йили машҳур голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этгандан сўнг Аҳмад ал-Фарғонийнинг шуҳрати янада ортди. Европа Уйғониш даврининг машҳур олими Регимонтан XV-асрда Австрия ва Италия университетларида астрономияга доир маърузаларини Аҳмад ал-Фарғоний асарлари асосида ўқиганини ўз асарларида таъкидлаб ўтган. Европада китоб нашр этиш бошланган даврданоқ ал-Фарғоний асарлари Италия, Германия, Голландия, Францияда кейинчалик АҚШда қайта-қайта чоп этилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек ал-Фарғонийнинг «Астрономия асослари» номли шоҳ асари инсон тафаккурининг бебаҳо маҳсули бўлиб, асрлар давомида астрономия фани буйича ўзига хос қомус вазифасини ўтаган. Дунёнинг энг нуфузли дорилфунунларида ундан асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинган.

Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган «Селенография» китобида Ойдаги кратерлардан иккитасини икки буюк олим – Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан атаган. Машҳур Европа ёзувчиларидан XIV-асрда яшаган Данте ва XVIII-асрда яшаган Шиллер ўзларининг бир қатор асарларида ал-Фарғонийни «Alfraganus» номи билан тилга олади ва унинг фанга қўшган ҳиссасини эътироф қилади.

Яна тарихга назар ташлайдиган бўлсак; машҳур сайёх Христофор Колумб дунё океанларида кезиб юрганида ал-Фарғонийнинг Ер меридиани борасидаги ҳисобларидан фойдаланганини ва унинг жуда тўғри эканлигини эътироф этган. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, ал-Фарғонийнинг ер шарсимон шаклда эканлиги ҳақидаги фикрларини ордан саккиз юз йил ўтиб, Христофор Колумб амалда

исботлаган ва унинг фикрлари тўғри эканлигини таъкидлаган.

Европа олимларидан Даламбер, Брокельман, Х. Зутер, И. Крачковский, А. Юшкевич, Ю. Капп, А. Кбесов, Н. Сергеева ва Б. Розенфельд каби олимлар ал-Фарғонийнинг ижодига ва қолдирган илмий меросига юқори баҳо берганлар.

Республикамизда ал-Фарғоний ҳаёти ва ижоди ҳақида А. Аҳмедов, А. Муҳаммаджонов, А. Носиров, Ҳ. Ҳикматуллаев, Ҳ. Ҳасанов, А. Шарипов, Г. Матвиевская, Ж. Ибодов ва бошқалар ўрганишган ҳамда асарлар ёзишди.

Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги экспедиция аъзолари 1997 йил декабр ойида Миср Араб Республикасида бўлиб, Аҳмад ал-Фарғоний ҳаётини ўрганишлари натижасида у Мисрнинг Фустат шаҳрида 861 йили вафот этганлиги, Мунаттам тоғининг шарқий қисмидан сал нарида жойлашган Имом аш-Шофе қабристонига дафн этилганлигини аниқлашди. Вақт ўтиши билан унинг қабри йўқолиб кетган. У ердан олиб келинган тупроқ Фарғона водийсининг Кува шаҳрида 1998 йил барпо этилган рамзий қабрга қўйилди.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш Ўзбекистонда мустақилликдан кейин бошланди. Юртбошимиз ташаббуси билан Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллиги халқаро миқёсида кенг нишонланди. Фарғона шаҳрида Аҳмад ал-Фарғоний номи билан аталадиган истироҳат боғи ва қадимги Кува шаҳрида ва яқинда Мисрда Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкали ўрнатилди. Фарғона шаҳридаги майдон, кўча, мактабларнинг бирига Аҳмад ал-Фарғоний номи берилган.

ЮНЕСКОнинг 1998 йилдаги тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги 1997 йил 27 ноябрдаги қарорига кўра аллома ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро ва республика илмий анжуманлари, бадий кўргазмалар ўтказилди, янги китоблар нашр этилди.

Аҳмад ал-Фарғоний аниқ фанлар соҳасида жаҳон фанига улкан ҳисса қўшган буюк олимдир, шу сабабли ҳам у ўзбек халқининг фахри ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Аҳмад ал-Фарғонийнинг оламшумул мероси дунё маданияти ва маърифати ҳазиналаридан бири бўлиб, миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз кўлами ва қудратининг исботидир».

**Акрам АКМАЛОВ, Абдуназар САЛОМОВ, доцентлар.**

**Аҳмад ал-Фарғоний кишилик тарихидаги илк Уйғониш даврининг энг забардаст ва ёрқин намояналаридан бири, ўз замонаси фундаментал фани асосчиларидан эди.**

Ислом КАРИМОВ.



кати ва ўрнини аниқлаш, янги «Зиж» яратиш буйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди ва раҳбарлик қилди.

Аҳмад ал-Фарғоний юнон астрономлари, жумладан, К. Птолемейнинг «Юлдузлар жадвали» асарида берилган маълумотларни кўриб чиқиш ҳамда ўша даврдаги барча асосий жойларнинг географик координатларини янгидан аниқлаш юзасидан олиб борилган муҳим тадқиқотларда фаол иштирок этди. Шу муносабат билан араб тилидаги илмий атамашуносликка доир ишларни, хусусан, астрономия, математика ва географияга оид атамаларни белгилаб чиқишдек махсус илмий ишларни амалга оширишда ҳам ал-Фарғонийнинг хизмати катта бўлган.

832–833 йилларда Аҳмад ал-Фарғоний Шом (Сурия) шимолидаги Синжор даштида Тадмур ва ар-Раққа оралигида ер меридиани бир

лаштириб мукамал ҳолга келтирди. Ўша даврда ҳар йили май ойидан то сентябргача Нил дарёси тошарди, натижада одамлар, уй ҳайвонлари ва экинлар нобуд бўларди. Бу асбоб орқали уларни қутқариш имконияти туғилди. Миср иқтисодиётига ҳар йили катта фойда келтирилади. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан гоё улуғвор бу курилма Нил дарёсининг Сайёлат ул-Род мавзесида ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Аҳмад ал-Фарғонийни «Юлдузлар илми элементлари ҳақида китоб» (Китаб фи усул илм ан-нужум), иккинчи номи «Осмон жисмлари ҳаракати ва юлдузлар илми тўплами» (Китаб фи ҳаракат ас-самавийа ва жавомий илм ан-нужум), «Астролябияни қуриш ҳақида китоб» (Китаб фи ал-астролаб), «Ал-Фарғоний жадвали» (Жадвал ал-Фарғоний), «Етти иқлимни ҳисоблаш» (Ҳисаб ал-ақалим ас-саб'а)-

# ИНТЕРПОЛ:

## ДОИМИЙ АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ

Интерпол ва унинг миллий тузилмалари ҳақида гап кетганда фаолияти жиноятчи ортидан қувиш ва уни қўлга олиш эмас, балки аввало, ахборот билан таъминлаш эканлигини таъкидлаш зарур. Интерпол бу — турли давлатларнинг криминал полицияси билан тез ҳамда самарали ахборот алмашинуви, жиноятчининг у ёки бу мамлакатда эканлиги ҳақида ўз вақтида хабар бериш ва ҳоказолар демакдир.

Айни пайтда 187 та давлат аъзо бўлган ушбу халқаро полиция ташкилоти ўтган йили 85 йиллик тўйини кенг нишонлади. 2009 йилнинг сентябрь ойида эса Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси (ММБ) ўн беш йиллик фаолиятини қизгин қарши олади. Интерполнинг Ўзбекистондаги Миллий марказий бюроси директори, полковник Р. Исроиловдан сўнгги йилларда ММБ томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар хусусида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Интерпол ММБнинг асосий вазифаларидан бири республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда Интерполга аъзо давлатларнинг шунга ўхшаш тизимлари, Интерполнинг жиноятчиликка қарши кураш масалалари бўйича жиноят полицияси халқаро ташкилоти Бош қотибияти билан ҳамкорликни таъминлашдан иборат, — деди Рустам Илҳомович. — Ўтган йилнинг ўзида Интерполга аъзо 100дан ортиқ давлатлар билан доимий алоқалар йўлга қўйилди. Айниқса, МДХ давлатлари ММБ билан ўзаро ахборот алмашинуви тез суръатларда кечиб, бунинг натижасида ҳужжатлар айланиши 75 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, Туркия, БАА, Афғонистон, Покистон, Жанубий Корея, Эрон, Германия, Франция, Греция, Чехия, Швеция, Испания, АҚШ ва Канада ММБлари билан ҳам ўзаро ахборот алмашинуви амалга оширилди. Халқаро ҳамкорлик жараёнида тўпланган маълумотлар асосида ММБнинг шахслар, далиллар, предмет ва ҳужжатлар бўйича ахборот банки доимий равишда тўлдирилиб, шаклланиб борди. Ҳозирги кунда ММБнинг маълумотлар захирасида Интерпол йўналишида қидириладиётган, шу жумладан, экстремистик ва террорчилик фаолияти билан шугулланган 2 минг нафардан зиёд шахслар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

2008 йил давомида республика ҳуқуқ-тартибот идораларига 135 нафар, шу жумладан, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни содир этганликда гумонланган 58 нафар шахс ҳақидаги материалларни тайёрлаб, Интерпол йўналиши бўйича халқаро қидирувга берилишига қўмаклашдик. Натижада 31 киши

чет элда эканлиги аниқланди. Мазкур ҳолатлар бўйича тўпланган барча маълумотлар қидирувни олиб бораётган идораларга юборилди.

— Халқаро ҳамкорлик туфайли Интерпол йўналиши бўйича хавфли жиноятчи яширинган жойни аниқлашга муваффақ бўлингани ҳақида мисоллар келтириш мумкинми?

— Албатта. Бундай мисоллар кўп. Интернет саҳифаларидан бирида 2009 йил 2 февралда Санкт-Петербург шаҳри Смольни тумани суди «Миграция ва ҳуқуқ» ташкилоти юристи, «Мемориал» ҳуқуқни ҳимоя қилиш маркази адвокати О. Цейтлинанинг ўз ҳимоясидаги, но-расмий мигрант ҳисобланган Э.нинг «ноқонуний» ҳибсда сақланаётгани ҳақидаги шикоятини кўриб чиқиб, талабини қондиргани ҳақидаги ахборот қайд этилди. Республикамиз ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан эса фуқаро Э. жиноят содир этганликда айбланиб, қидириладиётган эди. Буни инобатга олиб, Интерполнинг Россия ММБга юқорида кўрсатилган маълумотни тасдиқлаш ёки рад этиш ҳамда Э.ни ҳибсга олиш юзасидан қўшимча тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида сўровнома юборилди. 2009 йил 4 март куни у ердан Э. қўлга олингани тўғрисида жавоб келди. Ҳозирда бу фуқаронинг устидан жиноят иши юритиш учун Ўзбекистонга қайтариш масаласи ҳал этилмади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бизга республика ҳуқуқ-тартибот идораларидан ташқари чет эл ММБларидан ҳам сўровномалар келиб туради. Улар асосида хорижий

мамлакатлар ҳудудида оғир жиноят содир этганликда гумонланаётган 81 кишига нисбатан республикада қидирув эълон қилинди. Худудий ички ишлар идоралари ва ИИБ бўлиналари томонидан ҳамкорликда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлар натижасида Ўзбекистон ҳудудида 5 нафар шахснинг қаердалиги аниқланди.

Хусусан, Россия ММБ хабарига кўра, 2008 йилнинг 29 январида Москва шаҳрида ўғирлик қилган, 1981 йилда туғилган Р.нинг Тошкентдаги яширинган жойи аниқланди. Интерполнинг Краснодар ўлкаси бўйича ММБдан олинган хабарга мувофиқ ҳужжатларни қалбақлаштиришда айбланиб, қидириладиётган фуқаро М. Фаргона вилоятида эканлиги маълум бўлди. 2008 йилнинг 17 июлида Интерпол ММБ ходимлари республика ИИБ ХЧК ва ФРБ бино-

қилиниши маълум қилинган эди.

Суриштирувларда бу шахснинг Ўзбекистонда умр йўлдоши борлиги, шу боис, у бир неча бор юртимизда бўлгани ойдинлашди. Тезкор-қидирув тадбирлар ўтказилаётган вақтда К.нинг яширинган жойи аниқланди. Тўпланган маълумотлар Интерполнинг Вашингтон шаҳридаги ММБга ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасига юборилди. Ҳар икки давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида К. ҳибсга олинди. АҚШ Давлат департаменти қарорига кўра биргаликда эришилган ижобий натижа инобатга олинди, ушбу давлатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ИИБ раҳбариятига хавфли жиноятчини қўлга олишдаги кўмаги учун миннатдорчилик билдирди.

— Интерполнинг асосий вазифаларидан бири бутун дунё полициячиларини ишончли ва ҳимояланган ахборот билан таъминлашдан иборат экан, демак ҳозирда самарали коммуникация тармоғи ҳар доимидан кўра аҳамиятли ҳисобланади. Шундай эмасми?

— Ҳақиқатан ҳам шундай. Шу муносабат билан Интерпол ушбу ташкилот хизматидан фойдаланувчилар ўзаро ахборот алмашиши, мазкур ташкилотнинг маълумотлар ва хизматлар базасига туну кун киришига имкон берувчи глобал полиция коммуникация тизимини ишлаб чиқди. Ҳозирда маълумотлар базасига тўғридан-тўғри уланиш орқали бир неча сония ичида гумонланувчи ва қидирувдаги шахс, ўғирланган машинага ёки санъат асарига, бармоқ излари, ДНК хусусияти ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Бугунги кунда деярли барча Интерполга аъзо давлатлар бундай алоқага эга. Аввалига ушбу тизим ММБ доирасида ўрнатилган бўлса-да, кўпгина мамлакатлар Интерполнинг маълумотлар базасига тўғридан-тўғри уланиши, ундан ҳуқуқ-тартибот идораларининг стратегик нуқталари, масалан, чегарадан ўтиш жойлари, божхона масканлари, аэропортларда ҳам фойдаланиш лозим, деб ҳисоблашди. Бу эса ҳуқуқ-тартибот идораларига жиноятчиликка қарши курашда қўл келмоқда. Масалан, сайёҳ кўрсатган паспортнинг ўғирланганини билиш, автомашинанинг идентифи-

кация рақами бўйича суриштирув ишлари олиб бориш ва унинг қидирилмаётганини аниқлаш имконини беради.

— Бундай тизим Ўзбекистонда ҳам жорий этилганми?

— Ўзбекистондаги Интерпол ММБнинг фаоллиги ошиб бораётгани ҳамда ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳамкорликдан манфаатдор эканлиги инобатга олинди, «TACIS» доирасида Европа Ҳамжамияти Комиссияси ҳомийлигида «Интерпол Марказий Осиёда» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Биз керакли жиҳозлар ва дастурий таъминот бўйича рўйхат тузиб, Интерполнинг Бош қотибиятига лойиҳа бўйича техник топшириқ ишлаб чиқиш учун юбордик. Икки йил муддатга мўлжалланган лойиҳани амалга оширишга шу йил май ойида киришилиши режалаштирилган. Шу асосда республика ички ишлар идораларида Интерпол йўналишида фаолият юритаётган алоқа офицерларини компьютер техникаси билан таъминлаш ҳамда ММБнинг маълумотлар базасига киришни ягона компьютер тармоғи билан бирлаштириш имконияти яратилади. Бу эса ахборот алмашинуви самардорлиги ошишида муҳимдир.

— Сизга яна бир савол билан мурожаат этмоқчиман. Янги коммуникация тармоғининг жорий этилиши бу борада мутахассислар тайёрлишини талаб этади. Бундай тайёргарликка қандай эришилади?

— Алоқа офицерлари фаолиятининг сўнгги беш йили таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг касбий тайёргарлиги ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Бугунги кунда алоқа офицерларининг мақомини ошириш масаласи кўндаланг турибди. Бизнинг назаримизда, улар зарур касб тайёргарлигидан ўтиши, замонавий телекоммуникация алоқа воситаларидан талаб даражасида фойдалана олиши ҳамда Интерполнинг асосий «тили» — инглиз тилини (Интерполда тўртта — араб, инглиз, француз ва испан тиллари расмий тил ҳисобланади) яхши билишлари керак. Шу боис, жорий йилда худудий ички ишлар идоралари вакиллари учун Интерпол ММБнинг ўқув семинарини ўтказиш режалаштирилган. Бу эса ходимларимизнинг касб-маҳоратини доимий равишда ошириб боришга мўлжалланган ишларнинг дебчасидир.

Елена КУЗНЕЦОВА  
ёзиб олди.



сида Германия фуқароси, 1976 йилда Афғонистонда туғилган, Россия федерал хизмати ва халқаро миқёсда қидирувда бўлган В.ни виза узайтиришга уринган пайтда қўлга олди. У Тошкент шаҳар ИИББ вақтинча ушлаб туриш ҳибсхонасига топширилди.

Яна бир мисол келтирмакчиман. 2008 йилнинг августида республика ММБга АҚШ фуқароси, 1968 йилда туғилган К.ни қўлга олиш ва экстрадиция қилиш бўйича қидирув эълон қилингани тўғрисида хабар тушди. Унда К. жиноят содир этгани учун АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қидириладиётгани 20 йил ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм

### ИИБ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

#### ЗИРАКНИ ЮЛИБ ҚОЧДИ

Аёл — муқаддас зот. Афсуски ана шу номга доғ тушираётганлар орамизда учраб туради. 1964 йилда туғилган Д. Салима бозордан тўла сумкаларни кўтариб уйига қайтаётганда кимдир ортидан келиб қўлоғидаги зирагини юлиб қочди. Фаргона шаҳар ИИБ ходимлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни М. Нозима содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди. Энди у қонун олдида жавоб беради.

#### ДЕРАЗАНИ ОЧИҚ ҚОЛДИРМАНГ

Халқимизда ўзинга эҳтиёт бўл, қўлнингни ўғри тутма, деган мақол бор. Агар ҳар бир инсон унга амал қилса аввало, ўзининг хотиржамлигини таъминлагани бўлади. Жиззах вилояти Галлаорол туманида номаълум шахс Э. Жамшидиннинг уйига очик қолган дераза орқали кириб, у ердан заргарлик буюқларини ўғирлаб кетди. Лекин туман ИИБ ходимларининг ўз вақтида қўрган тезкор чоралари натижасида ушбу жиноятни Д. Шерзод ва М. Музаффар содир этгани аниқланиб, қўлга олинди.

#### КУЧИ ОЖИЗАГА ЕТДИ

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани ИИБга талончилик рўй бергани ҳақида тезкор хабар тушди. Унда номаълум шахс талбиркор С. Шаҳнозани кўрқитиб, «Нокия» русумли уяли телефонини олиб қўйгани маълум қилинган эди. Ички ишлар ходимлари томонидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни М. Йўлдош содир этгани аниқланиб, қўлга олинди. Аёл кишига куч ишлатишдан ор қилмаган бу номард қилмишига яранга жавоб беради.

#### «БУ ОТАМДАН ҚОЛГАН МИЛТИҚ...»

Ички ишлар ходимлари томонидан Қашқадарё вилоятида ўтказилган тезкор тадбир натижасида Қамани туманида яшовчи М. Мирпўлатнинг уйидан ноқонуний сақланаётган ов қуроли олинди. Хонадон эгасидан сўралганда бу милтиқ отасидан қолганини айтди. Мазкур ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ё. БОБОЖОНОВ,  
сафдор.







**ХУКМ ЎҚИЛДИ**

# КЎЗА КУНИДА СИНАДИ ёки сўнгги пушаймон

**Ақлиш одамлар ўзларининг хатосидан тегишли хулоса чиқариб олишаркан. Донолар эса ўзгаларнинг хатосига қараб, ўзларини бундай қилмишлардан тийишаркан. На ўзларининг ва на ўзгаларнинг хатою камчишларидан хулоса чиқармайдиган, ҳаётда қайта-қайта қоқилаверадиган кимсаларни ким деб атаса бўлади?**

Асли чуствик, кейинроқ Тошкент вилоятининг Бекобод туманидан кўним тошган Турғунбой Орипов ана шундай кимсалар тоифасига мансуб. У ўғирлик жинояти содир этгани учун биринчи марта 1989 йил ноябрь ойида Бекобод туман суди томонидан бир ярим йилга шарли равишда озодликдан маҳрум қилинган. Ҳали жазо муддати тугамасдан яна ўғирлик содир этган. Бу гал ҳам шартли равишда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилган. Ҳатто 1991 йил 31 августда унга нисбатан амнистия акти қўлланилиб, тайинланган жазо тенг ярмига қисқартирилган. Чунки қилмишидан тегишли хулоса чиқарар, кўрсатилган мурувват, кечиримликнинг қадрига етар деб умид қилинган.

Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Анча пайт мўмин-қобил киши қиёфасида юрган Турғунбой 2008 йилда яна айниб қолади. Бу сафар ўғирлик қилишга юраги дов бермайди. Сабаби, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари дарров ундан гумон қилишлари мумкинлигини ўйлайди. Шунинг учун янги «касиб»нинг этагидан тутлади. Энди ҳали жиноят ботқоғига ботиб улгурмаган маҳалладоши Шухрат Сотиболдиев билан шерикчилик қилади. Ўйлаб-ўйлаб, гиёҳвандлик моддаларини контрабанда қилиш ва ўтказиш маъқул деган тўхтама келади. Назарида бу иш тинчроқ, беҳатарроқдек туюлади.

Бошда «иш» ҳақиқатан ҳам хамирдан қил суғургандек силлиқ кўчар эди. 2008 йил февраль ойининг охирида уюшган жиноий гуруҳ раҳбари, яъни жайларчасига айтганда, тўлабоши тожикистонлик Нарзулло исмли шахс Турғунбойга уяли телефон орқали кўнғироқ қилиб, «мол» тайёрлигини билдириб, учрашув вақтини ва жойини тайинлайди. Шу кунни тунги соат 22.00 ларда Турғунбой Орипов ўзининг «Нексия» русумли автомашинасида шериги Шухрат Сотиболдиев билан бирга шарлашилган жойга — Бекобод тумани Сардоб қишлоғининг Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Матчо туманига

нига чегарадош ҳудудига етиб келади. Чегаранинг нариги ёнида кутиб турган Нарзуллонинг олдига божхона постини четлаб, айланма йўллар билан ўтади. Тўлабоши вазни бир кило бўлган героин гиёҳвандлик воситасини берар экан, бу «омонат»ни Тошкент шаҳрилик Салима Махсудовага топширишларини тайинлайди.

Турғунбой яна айланма йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига ўтиб, захри қотилни машинасининг салонига яшириб қўяди. Эртаси саҳарлаб шериги Шухрат билан бирга «Қайласан, Тошкент?» дея йўлга тушилади. «Роҳат» кўлига яқин жойда уларни келишилганидек Салима Махсудова кутиб олади. У «ҳожатбарорлар»га хизмат ҳақлари учун нақд 150 минг сўм санаб беради. Шериклар пулни арра қилишади.

2008 йилнинг 24 мартига ўтар кечаси Нарзулло Шухратга сим қоқали. Бу гал Шухратнинг бир ўзи тунги соат 01.00ларда айланма йўллар билан мамлакатимиз ҳудудига бир килограмм героин олиб ўтади. Захри қотилни ўзининг «ВАЗ—2107» русумли машинасида яна ўша Салимага етказиб беради. Эвазига олган 100 АҚШ долларини ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборади.

Шу йилнинг апрель ойидаги тушумлари янаям баракали бўлди. Бу гал улар ҳар доимги учрашув жойларида тун зулмати қўнида Нарзуллодан олган нақ икки кило оқ ажални Зангиота туманилик Зебо исмли аёлга етказиб беришади. Хизматлари эвазига 200 АҚШ долларини қўлга киритадилар. 27 май кунни эрталаб шу аёлга икки килограмм героин етказиб берганларида, у «Мана бу хизмат ҳақларингиз» дея, 400 АҚШ доллари тутқизади.

Бундай мўмай даромаддан ўзларини йўқотиб қўйган ҳамтовоқлар шу кунни кечқурун Нарзулло кўнғироқ қилиб, ҳар доимги учрашув жойига келишларини тайинлаганда, бир-бирларига қараб: «Омал келса кетма-кет келавараркан-да», дейишди севинчларидан териларига сиғмай. Аммо шу тонда «Кўза кунда эмас, кунда синадим» деган мақол ҳаёлларига

келмади. Ярим тунда айтилган жойга бориб, Нарзуллодан тахминан 5-6 килограмм келадиган гиёҳвандлик воситасини қабул қилиб олишди. Бу ҳам етмаганидек, эртаси кунни Оққўрғондан 7 тонна солярка сотиб олиб, айланма йўллар билан Тожикистонга ўтиб, кўтарасига пуллаб юборишади.

Шу кунни кечга томон гиёҳвандлик воситасини олиб, Тошкентга қараб йўлга чиқишади. Захри қотилни Зебо исмли аёлга топширишлари лозим эди. Улар Зангиота туманининг Назарбек қўрғонига етиб келишганида Турғунбой Орипов бошқарувидаги «Нексия» машинаси тўхталиб, республика ИИБ ва МХХ тезкор ходимлари томонидан текшириб кўрилади.

Шунда олдинги ўринлиқнинг ўнг томонидаги оёқ қўйиш учун мўлжалланган жойдан синтетик матоли хўжалик сумкаси топилади. Сумка ичида тўртта ўрамда салкам тўрт килограмм героин ва иккита ўрамда бир ярим килограммдан зиёд оний гиёҳвандлик воситалари борлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент туман судининг 2008 йил 16 октябрида бўлиб ўтган мажлисида юқоридаги барча ҳолатлар ўз исботини топди. Суд ҳукмига кўра Турғунбой Орипов 16 йилга, Шухрат Сотиболдиев эса 15 йил муддатта озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, Т. Ориповга тегишли «Нексия» автомашинаси, «Моторола» русумли уяли телефони ва Ш. Сотиболдиевга қарашли «ВАЗ—2107» русумли автоулов, «LG» русумли уяли телефон аппарати жиноят қуроли деб топилди, давлат эгаллигига ўтказилди. Суд жараёнида айбдорлар ўзларининг қилмишларидан пушаймон эканликларини изҳор қилишди. Аммо уларнинг бу сўзлари қанчалик самимийлиги ўзларигагина аён. Зеро, ёш болалар ёки эндиликна балоғат остонасига қалам қўйганлар бу сўзни айтсалар ярашади. Ваҳоланки, суднинг қора курсисига ўтирганларнинг бири эликни қоралаган, муқаддам икки марта судланган, иккинчиси эса ўттизни уриб қўйганига нима дейсиз. Балки, шундайларга нисбатан айтишса керак «Сўнги пушаймон — ўзингга душман» деб.

**Шухрат РАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси  
бошқарма катта прокурори,  
адлия кичик маслаҳатчиси.

**Кобилжон ШОКИРОВ,**  
«Постда» мухбири.

## УМИДНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент шаҳар ИИББ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2009 йил 6 март кунини Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Амир Темур кўчасида назоратсиз юрган 12 ёшлардаги бола келтирилган. У ўзини Умид деб танишгирган, ота-онаси, яқин қариндошлари ҳамда яшаш жойи ҳақида маълумот бера олмади, фақат онасининг исми Манзура эканлигини маълум қилган.



**Белгилари:** бўйи 125-130 см, ўрта гавдали, соч, қош-қўзлари қора, лаби ва қулоқлари ўртача катталикда.

**Кийимлари:** эгнида қора шим, кўк жемпер, оёғида спорт туфлиси бўлган.

Боланинг ота-онаси ва яқинлари Тошкент шаҳар ИИББ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 212-49-76, 212-42-56, 212-23-48 рақамли телефонлар орқали мурожаат қилишларини сўраймиз.

## БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан қуйидаги фуқаролар бедарак йўқолгани учун қидирилмоқда.

**Назира Зоҳид қизи ЖЎРАЕВА.** У 1990 йилда туғилган, миллати ўзбек. Шайхонтоҳур тумани Самарқанд Дарвоза кўчаси, 38-уйда яшаган 2009 йил 28 февраль кунини уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 168-170 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи қора, ўртача узунликда, қошлари қалин қора, кўзлари қора, кўзнинг остида билинар-билимас майда сенкили бор.

**Алоҳида белгиси:** ўнг сонидан куйгандан қолган доғ бор.

**Кийимлари:** эгнида пуштиранг узун костюм-шим, оёғида қора пойафзал бўлган.

\*\*\*

**Асрор Тиллаевич АЛИМОВ.** У 1950 йилда туғилган, миллати ўзбек. Шайхонтоҳур тумани Гулханий кўчаси, 11-а уй, 2-3 хонадонда яшаган. 2008 йил сентябрь ойида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.



**Белгилари:** бўйи 175-177 см, ўртача гавдали, юзи чўзиқроқ ажин тушган, сочи жингалак оқарган, қошлари қалин қора, кўзлари қора.

**Алоҳида белгиси:** бўйининг орқа томонида мошдай холи бор.

**Кийимлари:** эгнида кулранг жемпер, қора жинси шим, оёғида қора этик бўлган.

Юқорида исм-шарифлари зикр этилган шахслар тўғрисида бирор маълумотга эга бўлган фуқаролардан Шайхонтоҳур тумани ИИБга 288-32-00, 288-31-90, 288-31-70 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

## ҚИДИРИЛМОҚДА

Бухоро вилояти Ромитан тумани ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.



**Жамшид Фарҳодович Аҳмедов.** 1980 йилда туғилган. Ромитан тумани Габберон қишлоғида яшаган. Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани, А.Ҳилоятов кўчаси, 4-йўлак, 4-уйда вақтинча рўйхатда турган.

\*\*\*

**Алди Ахатович Шарипов.** 1979 йилда туғилган. Ромитан тумани Хоса қишлоғида яшаган. Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Исомов кўчаси, 7-уйда вақтинча рўйхатда турган.



Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қасрдалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Бухоро вилояти Ромитан тумани ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Хоразм вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган Икром Каримович Қадамов қидирилмоқда. У 1961 йилда туғилган. Хоразм вилояти Қўшқўшир тумани Мустақиллик кўчаси, 52-уйда яшаган.



И.Қадамовни кўрган, қасрдалиги ҳақида бирор маълумотга эга фуқаролардан Хоразм вилояти ИИБ ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЖИЭББ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши  
Бош бошқарма молия-режалаштириш бошқармасининг режалаштириш бўлими бошқиси, майор  
Суръат Адилловга падари бузруквори  
**СУННАТ отанинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши  
вилоят ИИБ тергов ҳибсхонаси бошлиги, подполковник М. Нарзуллаевга онаси  
**МУШАРРАФ аянинг**  
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

